

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



ЭПИДЕМИОЛОГИЯ

мутахассислиги бўйича тиббиёт кадрларни
клиник ординатура (резидентура)да қайта тайёрлаш
касбий тайёргарлик даражасига қўйилган
ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

Тошкент 2023

Тузувчилар:

- Матназарова Г.С. ТТА, Эпидемиология кафедраси мудири, т.ф.д., доцент
Миртазаев О.М. ТТА, Эпидемиология кафедраси, т.ф.д., профессор
Абдукахарова М.Ф. ТТА, Эпидемиология кафедраси, т.ф.н., доцент

Такризчилар:

- Атабеков Н.С. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи
Қосимов И.А. ТошПТИ, Эпидемиология ва юқумли касалликлар кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Мутахассислик бўйича тиббиёт кадрларни клиник ординатура (резидентура)да қайта тайёрлаш касбий тайёргарлик даражасига қўйилган давлат талаблари (кейинги матнда Талаблар деб юритилади) ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бўлиб, у касбий фаолият турига мувофиқ ҳолда масалаларни ҳал эта оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур бўлган минимал ҳажмдаги билим ва кўникмалар стандартини ўзида намоён этади.

Мазкур Талаблар клиник ординатура (резидентура)нинг ҳар бир алоҳида олинган ихтисослигига қўйилган тегишли талабларни ишлаб чиқиш учун стандарт ҳисобланади. Мутахассиснинг дипломдан кейинги касбий тайёргарликка қўйилган талабларни ишлаб чиқиш вазифалари шакл ва мазмун бўйича ягона бўлган амалий соғлиқни сақлаш муассасаларида тўлиқ мустақил ишлай оладиган ва уни кейинчалик эгаллаётган лавозим ва иш жойига мувофиқ ҳолда беморларга юқори малакавий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган касбий фаолияти давомида такомиллаштирадиган мутахассисни кўп босқичда тайёрлаш тизимини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2021 йил 6 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР ВА ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

1.1. Мазкур меъерий хужжат Эпидемиология мутахассислиги бўйича клиник ординатура (резидентура)да мутахассисларнинг тайёргарлик даражасига кўйилган давлат талабларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

II. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАВСИФИ

2.1. Эпидемиология мутахассислиги бўйича таълимнинг меъерий муддати камида икки йил. Клиник ординатор (резидент)ни максимал ўқув юкламаси ҳафтада 36 соат бўлиб, мустақил ишга 1 ҳафтада 18 соат ажратилади, умумий юклама 54 соатни ташкил қилади.

2.2. Мутахассисликлар бўйича бажариладиган мустақил иш вақти ҳажмига кафедра ва ДСЭНМ томонидан аҳоли ўртасида касалланишларнинг профилактикаси бўйича ташкиллаштирилган турли жамоа-ижтимоий тадбирларни ўтказишда иштирок этишлари ҳам қиради.

2.3. Умумий ўқув юклама ҳажми ва тайёрлаш вақти қуйидагича тақсимланади:

- 93,4% - асосий мутахассислик модулларини ўрганиш;
- 1,1% - умумметодологик ва номутхассис ёндош тиббий модулларни ўрганиш;
- 4,5% - ёндош (клиник) мутахассислик модуллар;
- 1% - аттестацияларга ажратилади.

Ўқув ва индивидуал режани тузиш давомида клиник ординатор (резидент)лар 2- ва 4-семестрдан сўнг ишлаб чиқариш (малака) амалиётини ўташларини ҳисобга олиш лозим. Амалиётни 3-томонлама тузилган шартномага мувофиқ, клиник ординатор (резидент)ни кейинчалик ишга жойлашиши тахмин қилинаётган тиббиёт муассасасида ўташи тавсия қилинади.

2.4. Ўқув жараёни кредит-модул тизими асосида амалга оширилади.

III. ЭПИДЕМИОЛОГ-МУТАХАССИСНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ ТАВСИФИ

3.1. Мутахассиснинг касбий фаолияти соҳаси ёрдам (даволаш-профилактика, тиббий-ижтимоий ва бошқалар) кўрсатиш Эпидемиология сифатини етарли даражада таъминлаш йўли билан аҳолининг соғлиғини сақлаш ва яхшилашга қаратилган фаолият технологиялари, восита, услуб ва усулларининг йиғиндиси.

Эпидемиолог - мутахассиснинг касбий фаолият соҳасига (тиббий-профилактика, тиббий-ижтимоий ва бошқалар) юқумли касалликларга эпидемиологик ташхис қўйиш ва профилактика ёрдам кўрсатишнинг зарур. Эпидемиология хизмати сифатини етарли даражада таъминлаш, шунингдек аҳоли ўртасида профилактика ва эпидемияга қарши ишларни ташкил этиш

ва ўтказиш орқали аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашга қаратилган фаолиятнинг бир қатор технологиялари, воситалари, услуб ва усуллари йиғиндиси киради (тиббий-профилактика, тиббий-ижтимоий ва бошқалар).

3.2. Мутахассиснинг касбий фаолияти объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- 0 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, катталар ва х.к.
- аҳоли (болалар, ўспиринлар ва катталар)да соғлиқни сақлаш, профилактикани таъминлаш, касалликка ташхис қўйиш ва даволаш учун шароитларни яратишга қаратилган восита ва технологияларнинг йиғиндиси .

Мутахассиснинг касбий фаолиятига қуйидагилар киради:

- турли хил эпидемиологик хавфли объектлар ва эпидемия ўчоқлари: мактабгача ва мактаб муассасалари, лицейлар, коллежлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, талабалар турар жойлари, турли яшаш жойлари, квартиралар, тиббий-профилактика ва туғуруққа ёрдам - акушерлик муассасалари, касалхоналар, умумий оватланиш жойлари, санаториялар, дам олиш уйлари ва бошқалар;
- аҳолининг турли юкумли ва юкумли бўлмаган касалликлар билан касалланишлари;
- аҳоли саломатлигини сақлаш учун шарт-шароитларни яратишга, касалликнинг олдини олишни таъминлаш, эпидемиологик ташхисни, касалликни таҳлил қилишни ва эпидемик ўчоқларда эпидемияга қарши ишларни ташкил этишга қаратилган воситалар ва технологиялар тўплами.

3.3. Ихтисослик бўйича мутахассис – Эпидемиолог қуйидаги касбий фаолият турларига тайёргарлик кўради:

- эпидемиологик;
- профилактик;
- эпидемиологик ташхисга оид;
- психологик-педагогик;
- назоратчи-текширувчи;
- аҳоли касалланишлари устидан назорат ўтказиш;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот.

Мутахассис асосан эгаллаган ихтисослиги бўйича касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрланади.

Ўқиш тугагандан сўнг битирувчига у эгаллаган шифокорлик фаолияти бўйича касбий фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқ берадиган белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

3.4. Эпидемиология – мутахассиси касбий фаолият турларига мувофиқ ҳолда қуйидаги касбий вазифаларни ҳал қилиши ва ечиши керак:

- **эпидемиологик фаолият:**

- юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларида эпидемиологик текширув ўтказиш;
- эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган объектларнинг (мактабгача ва мактаб муассасалари, лицейлар, коллежлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, талабалар турар жойлари, турли яшаш жойлари ва уйлари, квартиралар, тиббий-профилактик ва туғуруққа ёрдам-акушерлик муассасалари, шифохоналар, жамоат (ёки умумий) овқатланиш жойлари, санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар ва бошқалар) санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши ҳолатларини эпидемиологик текшириш;
- аҳоли касалланишларининг ретроспектив ва оператив ташхисини ўтказиш;
- эпидемик авж олишлар (чакнашлар) ташхиси;
- хизмат кўрсатиладиган ҳудуднинг касалланиш бўйича эпидемиологик назорати;
- юқумли касалликлар эпидемик ўчоқлари локализацияси (чегаралаш) ва ликвидацияси (йўқотиш) бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш;
- аҳоли ўртасида ва эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган объектларда санитария-оқартув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш.

- ***профилактика фаолияти (бирламчи, иккиламчи ва х.к.):***

- юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларининг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида ва юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларида профилактик чора-тадбирларни (сухбатлар, давра сухбатлари, учрашувлар, маърузалар ва бошқалар) ташкил этиш ва амалга ошириш;
- иммунопрофилактика препаратлари, дезинфекция ва профилактиканинг бошқа воситалари билан ишлашни ташкил этиш, ташиш ва уларни сақлаш талаб ва қоидаларига риоя этиш;
- профилактика ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш орқали аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш;
- болаларда иммунизация ўтказиш самарадорлиги ва хавфсизлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш;
- болалар ва катталарда эмлаш ишларини режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш;
- болалар поликлиникасида эмлаш ишларини ташкиллаштириш бўйича текширув ўтказиш;
- эмлашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;
- касалликларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикаси бўйича ўтказиладиган чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва назорат қилиш.
- турли ёшдаги аҳолининг саломатлик ҳолатини тавсифловчи соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тиббий-статистик ва эпидемиологик таҳлил ўтказиш;

- аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун аҳолининг юқумли ва юқумли бўлмаган турли-туман касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотни (аҳоли гуруҳлари ўртасида, ўспирин ёшлар, болалар орасида, тиббиёт ташкилотларининг турли бўлимлари даражасида) замонавий ва тиббий-статистик таҳлил усуллари қўллаш орқали тўплаш.

• **ташхисга оид фаолияти:**

- аҳоли яшаш ҳудудларида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар тарқалганлигининг ретроспектив ва оператив эпидемиологик таҳлил усулларида фойдаланилган ҳолда касалланишлар эпидемиологик диагностикасини (ташхисини) ўтказиш;
- анамнестик, эпидемиологик текшириш усуллари асосида юқумли касалликлар ташхисини амалга ошириш;
- касалликни оператив эпидемиологик таҳлил қилиш доирасида юқумли касалликлар ўчоқларини эпидемиологик текшириш;
- юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларини эпидемиологик текширишнинг объектив усуллари қўллаш, касаллик ҳақида маълумот олиш, умумий ва ўзига хос белгиларни аниқлаш, ташхис қўйиш ва асослаш;
- ўтказилган таҳлилларнинг натижалари бўйича аҳолининг касалланиш ҳолатларини башорат (прогноз) қилиш, юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил қилиш;
- бактериологик, серологик, биокимёвий ва вирусологик текшириш усулларида натижаларини изоҳлаш ва диагностик баҳо бериш.

• **ташкил-бошқарув фаолияти:**

- тиббиёт ходимларининг турли соҳалардаги тиббиёт ташкилотларида, шу жумладан давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ходимларининг меҳнатини ташкил қилиш;
- функционал мажбуриятларни ва уларни амалга оширишнинг мақбул алгоритминини аниқлаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик, касбий касалликлар келиб чиқишини олдини олиш, экологик хавфсизлик ва экологик хавфсизлик чора-тадбирларини ташкил этиш;
- касалхонага ётқизиш учун кўрсатмаларни аниқлаш ва касалланиб тузалган реконвалесцентларни ишга жойлаштириш масаласини ҳал қилиш;
- тузалиб кетганларни ишга жойлаштириш экспертизаси;
- аҳоли ўртасида касалланиш билан курашиш учун сифат ва самарадорликни назорат этиш, диагностика, изоляция, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар (тиббий таълимни ташкил этиш ва ўтказиш);

- меҳатга лаёқатсизлик ва қабул қилинганларни ишга қабул қилиш экспертизаси;
- касалланиш билан курашиш (санитария-маърифий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш) ва реабилитация-профилактика ёрдамлари, даволаш-диагностика ёрдами, изоляция, профилактика ва эпидемияга қарши ўтказиладиган чоратadbирлар сифати ва самарадорлигини назорат қилиш;
- ДСЭНМ, ДПМ ва бошқа профиллардаги тиббиёт ташкилотларда соғлиқни сақлаш қонунчилигида назарда тутилган турли хил рўйхатга олиш ва ҳисобот тиббиёт ҳужжатларини юритиш;
- муаммоли-тематик режаларни тузиш;
- иш ёзишмаларини олиб бориш (хизмат доирасидаги ёзишмалар, эслатмалар, докладлар, хатлар).

- **психологик-педагогик фаолияти:**

- аҳолида, беморларда ва уларнинг оила аъзоларида ўзларини ва атрофдаги аҳолини соғлиқни тиклашга ва мустаҳкамлашга қаратилган қобилияти ва тайёрлиги;

- **илмий-тадқиқот фаолияти:**

Билим ва кўникмаларни кенгайтириш мақсадида клиник ординаторлар учун индивидуал ўқув режасидан ташқари, **илмий-тадқиқот ишларида** иштирок этишлари мумкин:

- илмий адабиётлар таҳлили ва расмий статистик шарҳлар;
- замонавий илмий муаммолар бўйича тезислар тайёрлаш;
- эпидемиологик текширишлар соҳасида янги усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича индивидуал тадқиқот ва амалий тадқиқот вазифаларини ҳал қилишда иштирок этиш;
- статистик таҳлилда иштирок этиш ва тадқиқот учун ҳисобот тайёрлаш;
- мақола, тезислар ёзиш ва нашр этиш;
- тиббиёт ташкилотлари фаолиятига янги тиббий ва ташкилий технологияларни жорий этишда инновацион ва технологик хавфларнинг самарадорлигини баҳолашда иштирок этиш.

IV. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ - МУТАХАССИСИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Битирувчи кўйидаги **умуммаънавий компетенциялар (УК)**ни ўзлаштириши даркор:

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммо ва жараёнларни таҳлил қилиш, турли касбий ва ижтимоий фаолиятида гуманитар, табиий-илмий, тиббий-биологик ва клиник фанлар усулларини амалиётда қўллаш қобилияти ва тайёрлиги;

- дунё қарашга оид, мафкуравий, ижтимоий ва шахсга қаратилган фалсафага оид муаммоларни, асосий фалсафа тоифаларини таҳлил қилиш, ўзини такомиллаштириш қобилияти ва тайёрлиги;

- муҳим сиёсий воқеалар ва тенденцияларни таҳлил қилиш, сиёсий ҳаётда маъсулият билан иштирок этиш, асосий тушунчалар, жаҳон тарихий жараёнининг қонуниятларини билиш. Миллий мустақиллик ғояларини англаш, тушиниш ва тарғибот қилиш, ўз мамлакатига ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш; тарихий обидалар ва анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром қилиш, давлат сиёсатига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва турли ҳолатларни баҳолаш қобилияти ва тайёрлиги;

- ёш авлодни ватанпарварлик ва Ватанга хизмат қилиш руҳида тарбиялаш, тарихий обидалар, мерос ва урф-одатларга ҳурмат ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлишга, давлат сиёсатини баҳолашга қобилият ва тайёрлик;

- давлатнинг янги тарихини ва тарихий ва тиббий терминологияни билиш ва анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром қилиш, давлат сиёсатини баҳолаш қобилияти ва тайёрлиги;

- мамлакатнинг энг янги тарихини ва тарихий-тиббий атамаларни билиш қобилияти ва тайёрлиги;

- иқтисодий муаммолар ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиётидан фойдаланиш; иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни умумлаштирадиган бозор хўжалик юритиш механизмларини билиш қобилияти ва тайёрлиги;

- мантиқий ва асосланган таҳлил қилиш, оммада нутқ сўзлаш, мулоқот ва суҳбат олиб бориш, касбий мазмундаги матнларни таҳрирлаш, ҳамкорлик қилиш ва низоларни ечиш, бағрикенглик қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

- кундалик мулоқатда ва ҳаётда сўзлаш даражасида чет эл тилларидан бирини билиш, давлат тилида ёзма ва оғзаки коммуникация қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

- бошқарув усулларида фойдаланиш, ижрочиларнинг ишларини ташкил этиш, турли фикрлар шароитида ва ўз касбий компетенция доирасида маъсул бошқарув қарорларини топиш ва қабул қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

- менежмент техникасидан фойдаланиш, ижрочилар ишини ташкил этиш, турли фикрлар нуқтаи назаридан ва ўзларининг касбий ваколатлари доирасида масъулиятли бошқарув қарорларини топиш ва қабул қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

- ўз фаолиятини жамиятда қабул қилинган маънавий ва ҳуқуқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш, шифокорлар этикаси, махфий ахборот билан ишлаш бўйича қонун ва ҳуқуқий-меъерий ҳужжатларга амал қилиш, шифокорлар сирини сақлаш қобилияти ва тайёрлиги.

4.2. Битирувчи қуйидаги *касбий компетенциялар (КК)*ни ўзлаштириши зарур:

- касбдошлар, ўрта ва кичик тиббий ходимлар, беморлар ва беморлар қариндошлари билан мулоқот қилганда шифокорлик фаолиятининг этика ва деонтолик жиҳатларини амалга ошириш қобилияти ва тайёрлиги;

- касбий фаолиятни такомиллаштириш мақсадида назарий билим ва амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда қарорларни топишга асосланган умумқабул қилинган далилли тиббиётга таянган ҳолда тиббий ахборотни таҳлил қилишга нисбатан тизимли ёндошувни шакллантириш қобилияти ва тайёрлиги;

- интизом, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий жавобгарликни ҳис этган ҳолда шифокорлик ҳатоларни олдини олиш учун ўз фаолиятининг натижаларини таҳлил қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

- аҳоли ўртасида сўровнома ўтказиш, визуал текшириш, олинган маълумотларни эпидемиологиек таҳлилинни олиб бориш ва уларнинг натижаларини изоҳлаш, турли ҳужжатларни тайёрлаш ва ёзиш қобилияти ва тайёрлиги;

- аҳоли саломатлиги бўйича ўтказиладиган турли тадқиқот изланишларда ишлатиладиган тиббий-техника аппаратураси билан ишлаш, компьютер техникасидан фойдаланиш, турли манбалардан ахборотни олиш, глобал компьютер тармоқларида ахборот билан ишлаш; касбий вазифаларни ечиш учун замонавий ахборот технологияларнинг имкониятларини қўллаш қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.1. Профилактика фаолияти:

Аҳолининг соғлиғини яхшилаш ва сақлаш бўйича илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида турли тиббий ташкилотлар бўлинмалар даражасида аҳолининг соғлиғи кўрсаткичлари бўйича ахборотни йиғиш ва тиббий-статистика таҳлил қилиш бўйича замонавий ижтимоий-гигиена услубиётини қўллаш қобилияти ва тайёрлиги;

- касалликнинг ривожланишида табиий ва тиббий- ижтимоий омилларни баҳолаш усулларидан фойдаланиш, уларни тўғрилаш, инфекция, паразитар ва инфекцияга оид бўлмаган касалликларни олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга ошириш, гигиена масалалари бўйича санитария-тарғибот ишларини олиб бориш қобилияти ва тайёрлиги;

- эпидемиологик ҳолатининг ёмонлашиши ва турли табиий офатларда эпидемияга қарши тадбирларни олиб бориш, энг хавфли инфекция ўчоғида аҳолини ҳимоялаш қобилияти ва тайёрлиги;

- далилларни ишлаб чиқиш учун тиббий ташкилотларнинг турли бўлимлари (оилавий поликлиника, поликлиника, шифохона ва бошқалар) даражасида соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва тиббий-статистик таҳлил қилишнинг замонавий ижтимоий ва гигиеник усуллари қўллаш қобилияти ва тайёрлиги. аҳоли саломатлигини яхшилаш ва сақлаш бўйича асосланган чора-тадбирлар;

- касалликларнинг ривожланишида табиий ва тиббий-ижтимоий экологик омилларни баҳолаш усулларидан фойдаланиш, уларни тузатиш, юқумли, паразитар ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириш, санитария-маърифий тадбирларни амалга ошириш қобилияти ва тайёрлиги гигиена масалалари бўйича ишлаш;

- эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш, радиациявий вазият ва табиий офатлар ёмонлашганда хавфли инфекцияларнинг тарқалишида аҳолини ҳимоя қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

- профилактика ва эпидемияга қарши тадбирлар орқали аҳоли популяцияси ўртасида турли касалликлар келиб чиқиши хавфларини олдини олиш;

- профилактик тиббий кўрикларда иштирок этиш;

- турли ёшдаги аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари ва уларнинг соғлиғига таъсири тўғрисидаги маълумотларни тўплаш эпидемиологик ва тиббий-статистик таҳлил ўтказиш;

4.2.2. Психологик-педагогик фаолияти:

Аҳолида, беморларда ва уларнинг оила аъзоларида ўзларини ва атрофдаги аҳолини соғлиқни тиклашга ва мустаҳкамлашга қаратилган қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.3. Ташкилий-бошқарув фаолияти:

- соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси қонунлари, техник регламентлар, халқаро ва миллий стандартлар, бўйруқлар, тавсиялар, атамалар, халқаро бирликлар тизими (СИ), амалдаги халқаро таснифи) ҳамда тиббий ташкилотнинг сифатини ва самарадорлигини баҳолаш учун ҳужжатлардан фойдаланиш қобилияти ва тайёрлиги;

Эпидемиология соҳасида аҳолига тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича турли тиббий ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси, бошқарув ва иқтисодий фаолияти бўйича билимлардан фойдаланиш, уларнинг таркибий

тузилмаларнинг фаолият кўрсатиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, эндокринология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий тиббий-ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш ишлаш қобилияти ва тайёрлиги;

V. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ - МУТАХАССИСНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

5.1. Клиник ординатор (резидентл)ларини тайёрлайдиган муассасалар таълим дастурини амалга ошириш учун етарли ўқув ва ўқув-услубий базасига эга бўлиши керак. Масофавий таълимни амалга ошириш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлиши зарур.

5.2. Унификациялаштирилган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида таълим муассасасининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда (кўпи билан 15-20% ўзгартириш киритилган ҳолда) мутахассислик бўйича ишчи ўқув режаси ва ишчи дастури, унинг асосида эса клиник ординатор (резидент)нинг шахсий тайёргарлик режаси ишлаб чиқилади.

5.3. Мутахассисни тайёрлаш бўйича ишчи ўқув дастури тиббиёт, фан, техника, маданият, иқтисодиёт, технологиялар, ижтимоий соҳалар, кадрлар буюртмачилари ва истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили кўриб чиқилиши ва янгиланиши лозим (олдингисидан камида 5-10 % ҳажмда).

5.4. Клиник ординаторлар (резидентлар)ини тайёрлайдиган муассасалар таълим ўқув дастури асосида мустақил тарзда мутахассисни тайёрлаш бўйича ўқув-услубий мажмуаси (ЎУМ), календар ўқув жадвали, тегишли таълим технологияларни амалга оширишни таъминловчи ҳар бир бўлим бўйича услубий ва тарқатма материаллар, тест топшириқлари банки, назорат саволлари ва вазиятли мисолларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

5.5. Компетентлик ёндошуви ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари ишлари билан бирга фаол ва интерфаол машғулот олиб бориш шакллари (компьютер семуляциялар, ишбилармон ва ролли ўйинлар, аниқ вазиятларни ечиш, психологик ва бошқа тренинглар)дан кенг фойдаланишни кўзда тутган ҳолда амалга оширилши лозим.

5.6. Ҳар бир модулнинг ўқув дастурида мутахассисни тайёрлаш ўқув дастури бўйича эгаллаган билим, амалий кўникма ва компетенцияларн уйғунлашган ҳолда таълимнинг якуний натижалари аниқ шаклланган бўлиши даркор.

5.7. Клиник ординатор (резидент)ларни тайёрлайдиган муассасалар таълим олувчиларига ўз таълим дастурини, шу жумладан шахсий таълим

режаларини шакллантиришда иштирок этиш бўйича реал имкониятларни таъминлаши шарт.

5.8. Таълим олиш пайтида барча тегишли машғулот турлари: семинар, маъруза, клиник амалий машқлар ва х.к. кўзда тутилади.

5.9. Қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бирга таълим олувчилар қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

- таълим олувчилар модул (бўлимлар)ни ўзлаштиришга берилган ўқув вақт ҳажмининг доирасида мутахассисни тайёрлаш бўйича бирхиллаштирилган таълим дастури (масалан, ИФА ва бошқа дастакли тадқиқотлар)да кўзда тутилмаган аниқ фан (модул)ларни танлаш ҳуқуқига эга;

- таълим олувчилар тегишли ҳужжат бўлган ҳолларда клиник ординаторларини тайёрлайдиган бошқа муассасадан ўтказилганда аттестация натижалари асосида илгари ўзлаштирилган фан (модул)ларни қайта зачет қилиш ҳуқуқига эга;

- таълим олувчилар белгиланган муддатда мутахассисни тайёрлаш дастурида кўзда тутилган барча топшириқларни бажариши шарт.

5.10. Мутахассисни тайёрлаш бўйича таълим дастурлари одатда ўқитилаётган фан ихтисослигига мос келувчи базавий маълумотга эга бўлган ҳамда илмий ва (ёки) илмий-услубий фаолият билан мунтазам равишда шуғулланувчи илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш орқали амалга оширилиши зарур.

Мазкур таълим дастури бўйича таълим жараёнини таъмин этувчи ўқитувчиларнинг умумий ҳажмидан илмий даража ва (ёки) илмий унвонга эга бўлган ўқитувчиларнинг улуши камида 65 фоизни ташкил этиши керак.

Таълим жараёнига мазкур соҳадаги ташкилот ва муассасаларнинг амалдаги раҳбарлари ва ходимлари ҳамда амалий соғилиқни сақлаш муассасаларининг юқори малакали мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

5.11. Таълим олувчиларнинг аудиториядан ташқари (ўз-ўзини тайёрлаш) ишлари услубий таъминоти ва уни бажаришга кетган вақтни асослаш билан бирга олиб борилади.

5.12. Ҳар бир таълим олувчи асосий таълим олиш модуллари бўйича нашрларни ўз ичига олувчи ҳамда ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг ҳуқуқ эгалари билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида шаклланган электрон-кутубхона тизимидан фойдаланиш шароитлари билан таъминланиши зарур.

VI. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ МУТАХАССИСИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

6.1. Клиник ординатор (резидент)ларини тайёрлайдиган муассасалар тайёрлаш сифатини қуйидагилар орқали кафолатни таъминлаши лозим:

- иш берувчиларнинг вакилларини жалб қилган ҳолда битирувчиларни тайёрлаш сифатини таъминлаш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш;

- таълим дастурини мунтазам равишда мониторинг қилиш, тақриз қилиш;

- таълим олувчининг билим ва кўникма даражасини баҳолаш бўйича объектив амалларни, битирувчиларнинг компетенцияларни ишлаб чиқиш;

- ўқитувчиларнинг компетентлигини таъминлаш;

- фаолият (стратегия)ни баҳолаш учун келишилган мезонлар бўйича ўз-ўзини текширишни мунтазам равишда олиб бориш ва иш берувчиларнинг вакилларини жалб қилган ҳолда мутахассисни тайёрлайдиган бошқа муассасалар билан солиштириш;

6.2. Мутахассис тайёрлаш ўқув дастурларини ўзлаштириш сифатини баҳолаш жорий ва оралиқ назорат, ўқувчиларни аттестациялаш ва битирувчиларни якуний давлат имтиҳони дастлабки аккредитация билан ўтказишни ўз ичига олиши даркор.

6.3. Таълим олиш жараёнида клиник ординатор (резидент)лар билими ва малакасини баҳолашда ECTS баҳолаш тизими қўлланилади.